

Салла

05:00 / 09.01.2017 5649

Амр ибн хурайс розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламни минбарда турганларини кўрдим. Бошларида қора салла, унинг пешини кифтлари орасига тушириб олган эдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Аввало, ҳадиснинг ровийи Амр ибн хурайс розияллоху анху билан яқиндан танишиб олайлик:

Амр ибн хурайс ибн Амр ибн Усмон Маҳзумий ал-Қураший (620-704 милодий саналар), куниялари Абу Саид ҳижратдан 2 йил олдин таваллуд топдилар.

Бадр йилида оналари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб келганларида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унинг бошини силаб, барака тилаб дуо қилдилар. ҳа—қиқатан ҳам у киши ҳаётларида кўп молларни қўлга киритдилар, Куфа аҳлининг бойларидан бири бўлдилар.

Бу зот Қодисия жангида иштирок этдилар. Куфадаги Бани Умайя қабиласини бошлиқларидан эдилар.

Расулуллоҳдан 18 та ҳадис ривоят қилдилар. Абу Бакр, Умар, Али, Ибн Масъуд ва бошқалардан ҳам ривоят қилдилар. Бу кишидан ўғиллари Жаъфар ва Куфа аҳлидан бўлган кишилар ривоят қилишди. Бу киши тўплаган ҳадислардан баъзиларини уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритишган.

Бу зот ҳижратни 85 йили Куфада вафот этдилар.

ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи васаллам салла ўраб, унинг бир учини орқаларига ташлаб юришлари баён қилинмоқда.

Салланинг қора рангда бўлиши эса, шарт эмас. Амр ибн хурайс розияллоху анху кўрганларида Набий соллаллоху алайҳи васаллам иттифоқо шундоқ рангда салла ўраган эканлар. Бошқа ранглар ҳам бўлади. Оқ ранг афзал экани ҳақида ривоятлар бор.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон салла ўрасалар, пешини кифтлари орасидан тушириб олар эдилар. Нофеъ айтдики: «Ибн Умар ҳам салласининг пешини кифтлари орасига тушириб юрар эди».

Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам олдингисини тасдиқлайди ва ҳамда умматнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бу ишда иқтидо қилиш кераклигини таъкидлайди.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Салла билан ўқилган икки ракат намоз салласиз ўқилган етмиш ракат намоздан яхшидир» дедилар».**

Дайламий ривоят қилган.

Шарҳ: Демак, салла намознинг савоби етмиш баробар кўпайишига сабаб бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари Жаброил алайҳиссалом ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига салла ўраб тушганлари ҳақида ривоятлар бор.